

Республика фан олимпиадасининг 1-босқичи ғолибларини тақдирлаш

“Ирригация ва мелиорация” кафедраси мудири ва профессор ўқитувчилари томонидан “Ирригация ва мелиорация” ва “Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси” фанларидан республика фан олимпиадасининг 1-босқичида 1-2-3 ўринни эгаллаган талабалар фахрий ёрликлар билан тақдирландилар. Кафедра мудири проф. Бегматов И.А. сўзга чиқиб талабаларнинг бугунги эришган ютуқлари билан табрикладилар. Талабаларга келажакда етук мутахассис кадр бўлиб этишишларини ва ҳар бир ишда омад ёр бўлишини тиладилар.



Профессор Исаев С.Х сўзга чиқиб талабаларни юксак ютуқлари билан табрикладилар. Талабаларнинг олган билимларини мустаҳкамлаб боришларини, ҳар бир соҳада илғор ҳаракатчан бўлишларини ва бунданда юқори натижаларни забт этишларини тилаб колдилар. Фахрли ўринни эгаллаган иқтидорли талабаларимизга Республика фан олимпиадасининг 2-босқичида фахрли 1- ўринни эгаллашларини тилаб қоламиз.



“Ирригация ва мелиорация” кафедраси доценти в.б. Д.Абдураимова ахбороти

ТИҚҲММИ матбуот хизмати